



# НИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 26 декабр, чоршанба №202 (1215)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ДАМ ОЛИШ КУНИНИ 2001 ЙИЛ 29 ДЕКАБР ШАНБАДАН 31 ДЕКАБР ДУШАНБАГА КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

Янги йил байрамини нишонлаш муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

Дам олиш куни 2001 йил 29 декабр шанбадан 31 декабр душанбага кўчирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 24 декабр

## ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИМОМАЛИ РАҲМОНОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ХУСУСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Имомали Каримовнинг таклифига биноан, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов шу йил 27-28 декабр кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда меҳмон бўлади. Ташриф чоғида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган бошқа долзарб муаммолар муҳокама этилади.

Шу кунлари Тошкентда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Президентларининг учрашуви ҳам бўлиб ўтади. Унда кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи, минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш муаммолари кўриб чиқилади.

## Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин

### ЮРТ ОБОДЛИГИ — КЎНГИЛ ШОДЛИГИ

Бундан 30-35 йил муқаддам Қашқадарё соҳилларида жойлашган Шредер номли хўжаликка асос солиниб, ҳосилдор боғлар, сершира ўзумзорлар барпо этилган эди. Тўлқинлиб оқабган ўзар дарёнинг салқини танга ўзгача роҳат бағишларди.

Хўжаликка узок йиллар раҳбарлик қилган Фидойи инсон Темир бобо Мирзаевнинг ташкилотчилиги билан кўрик ерлар ям-яшиллик касб этди, мезазор ва серманзара боғлар қулф урди. Эндиликда кўли гул боғдон Темир бобо Мирзаев номи билан аталадиган тажриба хўжалиги кўчат етиштиришнинг ўзидан фақат 25-26 миллион сўм соф фойда кўрмоқда. Ҳар йили 120-150 минг туп кўчат етиштириб, вилоят хўжалиқлариغا сотилмоқда.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш халқимизнинг азалий урф-одатларидан. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокими шаҳар, туманлар ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини жадвал суръатда давом эттириш, замонавий мейморчилик асосида янгилашни ташкил этиш мақсадида 2001 йилнинг 1 декабрдан 2002 йил-

нинг 1 мартгача ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Айни пайтда воҳода бу борадаги тадбирлар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда. Бу ишга корхона, хўжалик, ташкилот раҳбарлари, кишлққ фуқаролар йиғини ва маҳалла кўмиталари раислари, касаба уюшмалари фаоллари бошчилик қилмоқдалар. Олий, ўрта махсус ўқув юрталари талабалари, мактабларнинг ўқувчилари ўртасида «Энг озода ётоқхона», «Озода синф» кўриктанловни ўтказилди. Оммавий ахборот воситаларида «Муштакиллик боғлари яратилмоқда», «Поклигинг соғлигинг», «Шаҳримизнинг ободончилигига ҳисса қўшайлик», «Юртимиз боғларга буркансин» мавзусида материаллар кенг ёритилмоқда.

Даволаш-профилактика муассасаларида «Энг обод шифо маскани» кўрик-танлов уюштирилди. Ватан остонадан бошла-

нади, дейишади. Шаҳрисабз, Китоб, Чирқоқчи, Яккабоғ туманларида кўчат ўтказиш, гул ва дарахт ниҳоллари экиш кизгин тус олган. Нишон туманида бу тадбирда 16 та маҳалла, 7 та кишлққ фуқаролар йиғини фаол қатнашапти. Тумандаги ИБН Сино номли ширкат хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма кўмитаси уй-жойлар, ҳовлилар, кўча ва йўллар, маҳаллаларнинг ободонлаштириб, гўзал манзара яратган оилалар учун кўрик-танлов эълон қилди. Танлов голибларига 10 минг сўмдан 15 минг сўмгача пул мукофотлари берилади.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлари бўйича ўз тадбирларини белгиллади. Тадбирларга асосан намунали кўрсаткичларга эришган меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари рағбатлантирилади.

Қарши шаҳри, туманлар, кишлққ ва маҳаллаларга борсангиз, кўчат ўтказиб, ободончилик юмушлари билан машғул бўлган кўпбал кишиларни учратасиз.

И.ХИҚМАТОВ.



## МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР

Зафаробод туманида қарийб 41 минг аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги йилларда кишлққ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга оширилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди. Хозирги кунда шифо масканла-

рида тажрибали, ўз касбини жон дилдан севган шифокорлар меҳнат қилишмоқда. Туман марказий касалхонаси қошида тез ва шошилинч тиббий ёрдам бўлими ташкил этилиб, у иккита «Дамас» автомашинаси ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан

таъминланди. Жойларда тикув ва тўқув целларининг ташкил этилиши шарофати билан кўпгина кишлққ хотин-қизлари касб-корли бўлишди. Чеварлар томонидан тайёрланаётган махсулотлар ўзининг сифатлиги ва бежи-

римлиги билан ажралиб туради.

Суратларда: ҳамшира Татьяна Улламаева ҳамда пахта тозалаш корхонасининг тикув цехи ишчиси Дилафруз Кураева.

Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар.

## ЮНЕСКО СЕРТИФИКАТИ

Вобкент туманидаги 14-мактаб ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо этиб қабул қилинди. Мамлакатимизда ана шундай шарафга сазовор бўлган мактаблар яна бештага кўпайди. Халқ таълими вазирлигида билим маскани директори Аваз Амоновга ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацуура имзолаган сертификат топширилди.

Халқаро ташкилот шафеълигида бўлишнинг ўзига хос масъулияти ҳам бор. Чунки, педагогик жамоа ва ўқувчилар ЮНЕСКОнинг фан, маданият, санъат, экология соҳаларида олиб борадиган барча тадбирларини тарғиб қилиши, тарихий, мейморий обидаларни ўрганиш, муҳофаза этишга ўз хиссасини қўшиши керак.

(ЎзА).

## Мафтункор ўлкани яёв кезганда

### САМАРҚАНД ТОМОНЛАРДА

Буюк муҳаддис Имом Бухорий макбараларини тавоф қилгани борганлар учун бу ном айниқса таниш. Пойарик-Самарқанд вилоятининг энг гўзал маъволаридан бири.

Зийрак муштарийлар, албатта, дарфол англаб етишиди — туман катта сувнинг эстагида жойлашган. Боз устига, бу маскан Бекободникича бўлмаса-да, ўзига хос шамоли билан ҳам машҳур; бир неча кун чанг-тўзондан кўзингизни очолмай қоли-

## КОЛЛЕЖ МАДЖИЯСИ

Дебдурларким, улуглик ақл ва билим биландир, насл-насаб билан эмас. Ота-онанг кўйган отларига магнур бўлмагил, бу от фақат ташки кўринишдан бошқа нарса эмас. Аммо сен хунар билан бир номга эга бўлгил...

Касб-хунар коллежи билан танишар эканмиз, бундан ўн аср муқаддам «Қобуснома»га муҳрланган оқоридаги сўзлар хаёлдан кечди. Ниғохимиз тушгани ҳамон бу муқташам кошона тархи бир кунда чизилмаганлигига ёхуд бир йилда бунёд этилмаганига ва ўз кўриктаровати билан ҳатто Тошкентдек шаҳри азимга ҳам ярашиб ташажагига иймон келтирдик.

Замзама шаклли бетон ҳовуз ёқалаб коллеж остонасини босиб ўтар эканмиз, кўз ўнгимизда барча шарт-шароитлар муҷассамини толган олийгоҳ намойён бўлди. Дастлабки таассуротлар бизни алдамбди. Ўзимизни кизиқтирган саволлар-

га ҳам дарҳол жавоб еттифта фан тўрагаги ишлаб турибди; энг иқтидорлилар эса бот-бот олимпиадаларда қатнашиб қайтмоқдалар. Бундан ташқари, каттагина спорт зали талабалар иштиёрида: каратэ, бокс, гимнастика, волейбол каби қатор секцияларда ҳаёт қайнайди.

Ўзимиз ажратган маблағлар ўз йўлига, дейди коллеж директори Нейматулла Ибрагимов. Бунда бир чеккаси одат тусига кирган учрашувлар — ёзувчилар, олимлар ва умуман турли касб-кор эгалари билан дилдан суҳбатлар жуда кўл келмоқда; меҳмонларимиз ҳам зиё масканига мизга баҳоли-қудрат қарашмоқдалар.

Дарвоқе, ташриф асноси шундай мулоқотлардан бири устидан чиқди. Шу кун талабалар туман ҳокимлиги қошида фаолият кўрсатган вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, прокуратура, ички ишлар бўлими вакиллари ҳамда туман имом-хатиби иштирокида «Диний экстремизм ва ақидапарастлик» мавзуи-

да давра суҳбатида жамулам бўлдилар. Ҳаммасидан ҳам бизни устоз-ўқитувчилар кайфияти таскин топтирди. Сабаби оддий: байрамлар ўз йўлига, бошқа пайтларда ҳам маъмурият ва касаба уюшмаси уларнинг кўнгилларини олиб турибди, бир сўз билан айтганда, ижтимоий ҳимога жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Моддий манфаатдорлик кўлами ҳам имкониятга яраша-да, дейди ким билан суҳбатлашманг. Коллеж имкониятлари эса анчагина кенг. Йигирма гектардан иборат ёрдамчи хўжалиқдан бу йил олинган мўмай даромадни қўйтурайлик, мавжуд «Магнум» тракторини унумли ишлатишнинг ўзидан 1,5 миллион сўм фойда олинди. Шу боис, ҳар ойда 2-3 ўқитувчига маблака ошириш учун йўлланма берилмоқда. Талабалар ҳам ушбу даромад ҳисобидан бир неча марта қадимлар бўйлаб саёҳатларда бўлишди. Муайян қисми эса чолғу асбоблари ва спорт анжомлари харид қилишга сарфланмоқда.

Кайтар эканмиз, узун йўлак деворини тўлдириб турган турли стенд ва плакатлар ўртасида, кўринарли жойга қўйилган «Коллеж мадҳияси»га кўзимиз тушди.

...Билимга чанқоқлик, Ватанга меҳр, Юраклар муаттар нурга тўлиқдир...

## МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ

Бу чуваккина аёл ўша биз истаб келган «Учкун» фермер хўжалиги раиси Ойширин Бўриева эканлигига, очиги, бошида унчалар ишонмадик. Дунё жумбоқларга бой ва энг катта сир, бу инсоннинг ўзи, деганлари шумикан?

Туман дехқон-фермер хўжалиқлари уюшмасида тақдим этишган рақамларга кўз югуртирамиз: 7,5 гектар пахта майдонидан 19 тонна ўрнига 23,5 тонна, шунча гектар галла майдонидан 84 центнердан ҳосил кўтарилган. Хомчўтларга қараганда, соф даромад 1 миллион 200 минг сўмдан ортади.

— Шукр, нолийдиган жойимиз йўқ, рўзғоримиз бут. Бировдан олдин, бировдан кейин деганларидек... - Ойширин она учун ҳам асл кишлққ аёлларига ҳос фалсафа ёт эмас. - Озми-кўп қилган меҳнатимизга яраша насибамизни териб юрибмиз. Ер бизни боқаяпти, биз эса уни...

(Давоми 2-бетда).

## АРЗОН НАРХЛАРДА СОТИШМОҚДА

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси янги йил арафасида юртимиз шаҳарлари аҳолисини кишлққ хўжалиги махсулотлари билан тўлароқ қондириш мақсадида вилоят марказлари ва пойтахтимизда кишлққ хўжалиги махсулотлари савдосини ўтказиш ҳақида фармойиш қабул қилган эди. Шунга кўра пойтахтнинг гавжум ва аҳолига қулай бўлган 11 та ҳудудда ана шундай шоҳобчалар очилди. Жумладан, Фарҳод бозорида ташкил этилган ярмаркада Кўргонтепа тумани дехқонлари ўзлари етиштирган махсулотларни арзон нархларда сотишмоқда. Таъкидлаш лозимки,

улар сифати билан ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Табийки, байрам арафасида мева-сабзавотларга талаб ортиб, уларнинг нархи ҳам кўтарилди. Ушбу савдо ярмаркасини ташкил этилгани ана шу мувозанатни сақлашга хизмат қилади. Андижонлик саховатпеша дехқонлар ёз ва куз ойларида ҳам шаҳар аҳолисини мева-сабзавот ва полиз махсулотлари билан сийлашган эди. Бу галгиси эса янги йил олдиндан ўзига хос байрам тортиги бўлди.


О.ЭРҒАШЕВ.

## АҚШ ҲАМИША ТАЙЁР

Оқ уй раҳбари Жорж Буш баёнот бериб, АҚШ террорчиликка қарши курашда ёрдам сўраган ҳар қандай давлатга кўмак беришга тайёрлигини маълум қилди. Хусусан, расмий Вашингтон «Абу-Сайёф» террорчилик гуруҳини тор-мор этишда Филиппинга ҳарбий томондан ёрдам бериш ниятида. Хабарларга қараганда, бир гуруҳ америкалик ҳарбий маслаҳатчилар шу мақсадда Манилага жўнатилган.

## КУРАШ КЕСКИНЛАШАДИ

Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакатда террорчиликка қарши курашни бундан буён катъий кескинлаштиришга қарор қилганлигини айтди.



## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Янги ҳукумат Афғонистонни террорчиликдан бутунлай холи давлатга айлантириш, шунингдек, «Ал-Қоида» раҳбари Усома бин Лодин ва «Толибон» етакчиси Муҳаммад Умарни қўлга тушириш учун барча имкониятларни ишга солади, деди Х.Карзай.

## ШВЕЦИЯ ҲАМ МАНФААТДОР

Яқинда Швеция ҳукумати халқаро тинчликни сақлаш кучлари сафида сайё-харакат кўрсатиш учун Афғонистонга 45 нафар разведкачи юборишга қарор қилди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Анна Линд,

ушбу қарорга изоҳ бераркан, мамлакатимиз ўзининг маъмур ҳаракати билан Швеция Афғонистон муаммоси тезроқ ҳал этилишидан манфаатдор эканлигини намойиш қилмоқда, деди.

## ИНҚИРОЗДАН СЎНГ

Маълумки, Аргентинада юз берган давлат инқирозидан сўнг президент Фернандо де ла Руа истеъфога чиққан эди. Бунга мамлакатнинг иқтисодий таназзулга юз тугганилиги сабаб бўлди. Ана шу воқеалардан сўнг ассамблея янги президент сайлади. Сан-Луис вилоятининг ҳокими Адольфо

Родригес Саа ушбу лавозимга муносиб деб топилди. У янги йилнинг 3 декабргача ўз вазифаларини адо этади. Сўнгра мuddатидан аввалги президент сайловлари ўтказилди.

## «ЙИЛ ОДАМИ»

Ўтказилган сўровларга қараганда, Нью-Йорк шаҳрининг ҳокими Рудольф Жулиани «Йил одами» деб топилди. Чиндан ҳам у инсон 11 сентябрда юз берган дахшатли фojeалардан сўнг деярли «қайта тугилди». Чунки у кечаси-кундузи бедор юриб, ҳамшаҳарлари, берилган қурбонлар, етказилган иқтисодий зарарлар, ша-

ҳарни қайта тиклаш, жабр кўрган оилаларга ёрдам кўрсатиш каби юзлаб саволлар устида бош қотирди. Бугун ҳам Нью-Йорк шаҳрида Р.Жулиани ҳамроҳлигида қурбонларни хотирлаш маросими ўтказилди.

## ҚАРЗЛАР ҚИСҚАРАДИ

Япония ҳукумати мамлакат иқтисодиётида юзага келган айрим муаммолар сабаб келаси йил хорижий давлатларга ажратиладиган имтиёзли қарз ҳажмини 10,3 фоизга қисқартиришга қарор қилди. Ҳукумат шу мақсад учун 2002 йилда 7 миллиард АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратиш тўғри-

сидаги ҳужжатни тасдиқлади. Энди бу ҳужжат январ ойида парламент тасдиғидан ўтиши лозим.

## ЖОСУСЛИҚДА АЙБЛАНДИ

Ҳиндистон хавфсизлик хизмати мамлакат парламенти қотибияти ходимларидан бирини жосуслиқда айблаб, ҳибса олди. Аниқланишича, у мудофаа, ядровий тадқиқотлар, темир йўл хавфсизлиги, суд тизими билан боғлиқ махфий ҳужжатларни хуфя тарзда Покистон томонига сотган. Тергов чоғида жиноятчи ўз бўйнига қўйилган айбларни тан олди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

(ЎзА).

Сугурта — ижтимоий ҳимоянинг муҳим бўғини

«Йўловчи» Ўзбекистон автотранспорт сугурта компанияси 1993 йилдан буён республикамиз ҳаётида фаол иштирок этиб келмоқда. Утган вақт мобайнида ходимларимиз фуқароларни бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларидан, шунингдек, уларнинг мол-мулкни, автотранспортини сугурталашда, қатор тadbирларни амалга оширдилар.

Бекобод бўлими ходимлари иш вақти ва ички имкониятлардан унумли фойдалангани учун ярим йиллик якунлари бўйича ўтказилган кўриқда республикада биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди ва

дан йироқ бўлишни тилаймиз. Лекин кўнгилсизликлар бўлмайди, деб ҳеч қандай қасд ҳам бера олмайдими. Шу боис, сугуртанинг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 декабрда қабул қилган Қароридан зарур ҳужжатлар расмийлаштирилган, тавон пули 72 соат ичида «Кафолат» ёки «Агросугурта» томонидан тўланиши белгилаб қўйилган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жабр кўрган ёки ҳалок бўлган шахс сугурта қилинганми, йўқми, бундан қатъий назар, Давлат томонидан унинг оиласига энг кам иш ҳақининг 30 баравари миқдоридан тавон пули тўланиши шарт. Мол-мулкка (автомобил, мотоцикл, арава) етган зарар учун эса энг кам иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан тавон тўланади.

республика ташкилоти ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг «Фахрий Ёрлиги» ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Ҳозирги кунгача 150 та турли соҳа ташкилотлари билан шартномадор имзоладик. Яна бир янгилик, 10 та оила билан ҳам шартномадор тузишга эришдик. Иш қўламини кенгайтиришда кўплаб тушунтириш ишлари олиб боришимизга тўғри келмоқда. Ачинарлиси, йирик ташкилот ва корхоналар раҳбарлари сугуртанинг аҳамиятини лозим даражада тушуниб етмаганлар. Шу ўринда оммавий ахборот воситалари ўзларининг беқўёс имкониятларидан фойдаланиб, тушунтириш тарғибот ишларида бизга кўмак беришга айна мудабо бўлар эди.

Бахтсиз, кўнгилсиз ҳодисалар ҳар бир инсон-

Сугурта — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг зарур бўғини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишчи, ҳар бир оила сугурта орқали муҳофазаланиши фақат улар манфаатига хизмат қилади.

**Ражаб БАГИРОВ,**  
**Тошкент вилояти**  
**«Йўловчи»**  
**Автотранспорт**  
**сугурта компанияси**  
**Бекобод худудий**  
**бўлими бошлиғи.**



«Навоий дон инвест» ишлаб чиқариш фирмасида айни кунларда соатига 5 тонна миқдорда юқори сифатли пиво маҳсулотни ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур корхонада Германиянинг «BERAPLAN» технология тизимининг ўрнатилгани ҳам ютуклар омили бўляпти. Айни пайтда мазкур корхона жамоаси республикамизнинг кўпгина худудларига ўзининг аъло сифатли маҳсулотини етказиб бермоқда.

Суратларда: илгор ишчилардан (чапдан) Ҳасан Нарзуллаев ҳамда Комила Жумаева, Лиля Галимова.

И.ҲАСАНОВ  
олган суратлар.

# КўНГИЛСИЗЛИК СИЗДАН ЙИРОҚ ЮРСИН

Ҳозирги кунда республикамиз барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида компаниямиз бўлиmlари фаолият кўрсатмоқда. Шулар қаторида Бекобод худудий бўлими ходимлари ҳам аҳолига намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаятирлар.

«Йўловчи» сугурта ташкилотининг бошқа сугурта идораларидан фарқи шуки, биз ортиқча оворагарчиликларсиз тўловларни эгаларига ўзимиз етказиб берамиз. Бунда тавон тўловини оладиган шахс 3 та ҳужжат тақдим этса kifоя. Яъни, маълумотнома, сугурта варақаси, бахтсиз ҳодиса ҳақида ички ишлар бўлими томонидан бериладиган тақдимнома. Вазиятга қараб улар ходимларимиз томонидан ҳам тайёрланиши мумкин. То-

вон тўлови жабр кўрган кишининг хонадонига олиб борилиб, битта имзо билан топширилади. Ёки у идорамизга бир келишидаёқ тегишли маблағни олади. Битта мисол: Бекобод шаҳридаги корхоналардан бирида бахтсиз ҳодиса оқибатида Рустам Тўлаев жароҳат олди ва иккинчи гуруҳ ногиронлиги берилди. Биз уйига хабар берганимиздан кейин Рустам қисқа вақт ичида 18 минг сўм тавон пули олиб кетди.

Қисқаси, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 18 нафар кишига тавон пули тўладик. Бундан ташқари, имкон даражасида саховатли ишларга ҳам қўл урмоқдамиз. Чунончи, Бекободдаги 11-ва тумандаги 2-касб-хунар мактабларига тахсил олаётган 14 нафар ёрдамга муҳтож болаларга энг кам иш ҳақи миқдоридан кўмак бердик.

республика ташкилоти ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмитасининг «Фахрий Ёрлиги» ва пул мукофоти билан тақдирланди.

Бахтсиз, кўнгилсиз ҳодисалар ҳар бир инсон-

Андижон давлат тиббиёт институти ўқитувчилари операция хонасига кирмасдан туриб, маърузалар давомида тажрибали жарроҳлар томонидан амалга оширилаётган операцияларни намойиш этиш, талабалар эса билиmlарни тезроқ ва яхшироқ ўзлаштириш имконига эга бўлди.

## МАШҒУЛОТЛАР СИФАТИ ОШМОҚДА

Яқин вақтдан бери институт шифохонасининг жарроҳлик бўлимида видеотелевизион ускуна ишлатилмоқда. У операция жараёнини маъруза хоналарига узатади. Икки томонлама алоқа учун масофадан туриб бошқариш ёрдам бермоқда. Ўқув аудиториялари ва маъруза хоналарида видео тасвири қабул қилиш учун телевизион қурilmалар мавжуд. Бу тизим операция жараёнини ёзиб борувчи компьютерга уланган.

Гигиена ва бошқа сабаблар талабаларнинг операция хоналарига киришини чеклайди,- дейди жарроҳлик бўлими мудири, профессор Фозил Нишоннов. - Замонавий ускуналар бундай чеклашни бекор қилади. Энг мураккаб вазиятларни қайта кўрсатиш ва талабаларга қўшимча изоҳ бериш мумкин. Ҳозир видео маълумотлар захирасида 21 та операция тасвири туширилган тасмалар бор.

Қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ бўлган мазкур ускуна машғулотлар сифатини оширмоқда. Бу эса Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи талабларига жавоб беради.

(ЎЗА).

# САМАРҚАНД ТОМОНЛАРДА

(Боши 1-бетда).

Дарвоқе, фермер хонадонни бу йил чинакамга галла хирмонига айланди. Шартнома режадан ортган 30 тонна дон ҳовлисина тўлдирди. Хўжаликда тер тўқиб ўтган каник ишчи ҳам ўтган сундан рози — 10 тонна бугдой уларнинг иш ҳақига устама бўлди.

Меҳнат соясида мулк этиши янгилик эмас. Йилига катта даромад қилаётган тadbиркору ишбилармонлар истаганча топилади. Ана шу бойлик ортидан тўй қилаётган, иморат солаётган ва қўша-қўша машина соҳиби бўлаётган қанчадан-қанча одамлар бор.

Ойширин Бўриева салкам ўн йилдан буён фермерлик билан машғул. Ишни чорвачилиқдан бошлаган эди, озуқа экинлари етиштириш зарурати унинг фаолиятига тузатиш киритди. Деҳқончилик ҳақисини эгаллаган сайин ерга бўлган меҳри ортди. Елиб-югурди, билмаганларини сўраб ўрганди, кам бўлмади. Мана яқинда «Тико» машинаси сотиб олди. Бу орада уйига уй улади. Ҳар ҳолда ўн икки фарзанд — 8 қиз ва 4 ўғилни жойлашнинг ўзи бўлмас!

Аммо тиниб-тинчимас бу аёл ҳаммасидан ҳам ёшлиқдан тинчлик бермай келаётган бир армони ушалганидан ичига сиймайди. Абдугани акага турмушга чиқмасдан аввал педагогика билим юртини битирган, ниёти жажжиларга «Алифбо»дан сабоқ бериб, кимсан «устоз опа» бўлиш эди. Бироқ оила, рўзгор, бола-чақа ташвишлари билан бўлиб, уй бекасига айланиб қолди. Мана бугун насиб экан, нафақат бир синф, балки бутун бир мактаб алқаб бошига кўтармоқда уни.

«Пахтакор» жамоа хўжалиги худудидидаги «Йигирма тепа» қишлоғи болалари у ўз ҳисобидан қуриб берган бошланғич мактабда сабоқ чиқармоқдалар.

Бугина эмас. Шу чоққа қишлоқ аёллари ўтин ёқиб, овқат пиширишарди. Ойширин Бўриеванинг саховатпешалиги туфайли ҳар

бир хонадонда зангори олов ёнмоқда.

Бу гайрат-шижоат ва мардлик замирига етгимиз келадди беихтиёр.

— Тўқиз ўғил ичида ёлғиз қиз эдим, - дейди у қулиб. - Эракшодалигим, гардкамлигим балки шундан дор.

## ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ

Ишимиз юришмай қолса, кимга маслаҳат соламиз?

Икки ёш ўртасидан ола мушук ўтса, ким уларни муросага келтирадиган?

Яхши туш кўрсак ҳам, ёмон туш кўрсак ҳам табири учун кимнинг олдига чопамиз?

Албатта, ёши улуг — кексаларимиз ҳузурига-да!

Ким нима деса-десину Пайриқанд кўз тегди. Сўнгги йилларда қадам олиши оғирлашиб, етар манзилга етолмайди-ган, чакки ишлари учун дакки эшитадиган бўлиб қолди. Талай хўжаликлар пугурдан кетди. Иш ҳақидан қарздорлик ой сайин уланиб, унча-бунчанинг бўйинини синдирадиган даражага етди.

«Чўраш» ширкат хўжалигининг бугунги аҳволига сира ҳавас қилиб бўлмайди. Неча йилки на галла, на пахта бўйича режалар бажарилади. Бир марта санацияга ҳам тушиб чиқди. Юз миллион сўм атрофида қарзга ботган...

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Уктам Ҳасанов юқоридагиларни зикр эта туриб, бир фикр айтиб қолди.

— Яқинда «Ўзбекистон» ва «Деҳқонобод» хўжаликларидан «Оқсоқоллар кенгаши» тузди. Унга обрўли, муҳими, бир вақтлар қишлоқ хўжалиги соҳасида катта муваффақиятларга эришган тажрибали отахонларни жалб этдик. «Чўраш»да ҳам худди шундай кенгаш тузмасак бўлмайди шекилли. Агар хоҳласангиз, тасвир йиғилишида иштирок этишингиз мумкин.

Ўзингники ўрга отса ҳам, тўрга ўтқазиб қўйса ҳам ярашад, деганларича бор экан. Йиғилишда шундай гаплар айтилдики...

— Икки ёлғон бир қасам, - деди биринчилар қаторида сўз олган Абулқосим ота. - Қачонгача бу йил албатта бўриеванинг саховатпешалиги туфайли ҳар

мизу юзимиз шувит бўлиб қолаверадди. Илгари «Чўраш» деганда валломати ҳам соямизга кўрпача ёзарди. «Чўраш» бормаса, тўйда ош сузилмас эди. Энди-чи?!

— Каттанг каттадек, кичининг кичикдек ишла-да, - сўзга сўз улади навбатдаги оқсоқол. - Бир пайлар 45 центнердан пахта олган эдик. Бугун эса уялмай-нетмай 5,5 центнердан хирмон уйдик дейишадими. Э, уятинг борми сенларнинг? Ернинг увули тутмайди!

— Ёзи билан текшир-текшир бўлди. Хой, бирака топгурлар, нимасини текширасизлар, улашга амоқ, тикишга игна қолмади-ку, дейдиган бўлмади. Нима, туман бедарвозами!

— Ажриқ териб-териб йўқотилди. Давоси шу, - деди яна кимдир...

Қарор қабул қилинди: Ўн кишидан иборат «Оқсоқоллар кенгаши» тузилсин. Ҳар бир бригада ва фермер хўжаликларидан фаолият кенгаш аъзолари назоратига олинсин. Ишнинг бориши ҳар ҳафтада, зарурат бўлганда, ҳар кун муҳокама учун кенгаш йиғилишига қўйилсин...

— Тўғриси, оқсоқолларнинг сўзларини тинглаб, уялиблар кетдим, - дейди сайланганга ҳали ҳеч қанча бўлмаган хўжалик раҳбари Файратжон Бойзоқов. - Отахонлар рост гапни айтишди. Уйлаб қарасак, жуда ўзимиздан кетиб қолибмиз. Ишлашим, ишлаш! Бир гайрат қилсак, худо хоҳласа, кўрмагандек бўлиб кетамиз.

Касаба уюшма қўмитаси раиси Вали Худойназаров маъқуллаб аста бош иргайди:

— Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи. Қузда бир келинлар-а. Қандай ўзгаришлар бўлганини ўз кўзингиз билан кўрасизлар. Оқсоқоллар қамишдан бел боғладими, билингни, иш ўнгидан келди.

Рост-да, отахонлар ҳай-ҳайлаб турганда, ёшлар гайрат отини эгарламаса бўлмас, ахир!..

Зайниддин РИХСИЕВ.

## Ўзбекистон Му- дофасига кўмак- лашувчи «Ватан- парвар» ташкило- тининг Сурхондарё вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари ўқув муассасалари ҳамда жамоат таш- килотлари билан ҳамкорликда «Ва- тан ҳимоячилари кўни»га бағишлан- ган оммавий-ва- танпарварлик тadbирлари ўтказмоқ- да.

### ШОНЛИ ТАРИХ

Ўқув юртларида «Эгаллик юрт эркини бермас» мавзуида мулоқотлар бўлиб ўтди. Юқори синф ўқувчилари учун «Ватанпарвар» ташкилотининг автомактабларига, спортнинг техник ва амалий турлари бўйича оммавий мусобақалар ўтказилаётган жойларга саёҳат уюштирилмоқда.

Ҳозирги вақтда Қуролли Кучларга мутахассис кадрлар тайёрлаб берувчи 2 та автомактабда техник мутахассислар, шунингдек, халқ хўжалиги тармоқлари учун ҳайдовчилар тайёрланмоқда. Автомактаб ўқувчилари ва спорт-техника клублари қатнашчиларининг Денов ва Ангор туманларида спорт мусобақалари, ҳарбий қисмларда эса аскар ва зобитлар билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Меҳнат жамоалари, ўқув юртларида Ўзбекистон тарихи ва Қуролли Кучлар ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалар бурчаклар мавжуд. «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши биносида миллий давлатчилигимиз тарихини акс эттирувчи «Шонли Ватан тарихи» музейи ташкил этилди. Шу билан бирга мактаб, лицей ва касб-хунар коллежларида Қуролли Кучлар офицерлари иштирокида «Жасорат дарслари» ўтказилмоқда.

(ЎЗА).

## Яхши ният ярим мол

# ҚИШЛОҚДА КИЧИК КОРХОНАЛАР

Навабахор — Навоий вилоятининг энг кенжа туманларидан. Аммо бу туманнинг тарихи жуда бой. Мустақиллик йилларидагина бу ерда хайрли ишлар қилинди. Масалан, аҳолига қулай шароитлар яратиш мақсадида 51 километрдан зиёд ўрта ва паст босимдаги газ қувурлари ётқизирилиб, юзлаб хонадонлар зангори олов билан таъминланди. Ана шу қулайликлардан «Зарафшон», Навоий, «Янги ҳаёт» ширкат хўжаликлари худудидан яшовчи аҳолининг ҳам қарийб 96 фоизи баҳраманд бўлди.

Шунингдек, жорий йилда туман қишлоқларида 6 та янги замонавий қишлоқ шифокорлик шохобчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни пайтда фуқаролар ортиқча вақт сарфлаб, туман марказига бориб ўтиришмайди, балки ўз қишлоқларида жойлашган ташхис ва даволаш ускуналарига эга бўлган тиббиёт масканига мурожаат этишмоқда.

Туман аҳолиси асосан пахта, галлачилик ва боғдорчилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланади. Об-ҳаво кийинчиликлари, сув танқислигига қарамай, навбаторликлар пахта ва галладан белгиланган режани жорий йилда ҳам ортиги билан бажаришди. Соҳадан кўрилган соф даро-

мад 100 миллион сўмдан ортди. Албатта, гап фақат даромадда эмас, балки уни нима мақсадда сарфлашга ҳам кўп нарсга боғлиқ.

Шу боис, даромад ҳисобидан биринчи навбатда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилишга эътибор қаратилди. Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш ва кичик корхоналар барпо этиб, янги иш ўринлари яратиш борасида ҳам саяш-ҳаракатлар қилинмоқда.

Чунончи, туман марказида 50 нафар кишига мўлжалланган тиқиб-бичиш ва миллий хунармандчилик цехлари ишга туширилди.

Ёшларнинг баркамол ўсиши ва уларга етарли-

ча шароитлар яратиш бериш долзарб вазифалардан бири. Туманда бу соҳада ҳам алоҳида тadbирлар амалга ошириляпти. Мактабларнинг барчасида спорт иншоотлари барпо этилди. Иккита илм даргоҳи компьютерлаштирилди. Аълочи ўқувчилардан 30 нафари стипендиялар билан таъминланган.

— 2002 йил Президентимиз ташаббуси билан «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди. — Ўртбосимиз ташаббуслари бу соҳада режалаштирилган ишларимизни янада барқарорлашувига имкон яратиб беради, - дейди туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Фуломжон Облоқулов. — Қарияларга шарт-шароитлар яратиш бериш, ногиронлар ва кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоялаш бундан кейин ҳам бош дастуримиздан кенг ўрин олади.

Албатта, туманда ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган хайрли ишлар ҳали жуда кўп. Зеро, эзгу ният ҳаммиса яхшилик келтиради.

**Улугбек ЖУМАЕВ,**  
**Фазлиддин**  
**РУСТАМОВ.**

(ЎЗА).

# «АКСЕЛЬС» МУКОФОТЛАРИ

АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштирилган «Аксельс» дастури доирасида 2001 йилда ўтказилган инглиз тили муаллимлари кўрик-танловининг сўнгги босқичида Бухоро шаҳридаги 16-мактаб ўқитувчиси Анна Кочнева ва Файзулла Хўжаев тумани академик лицейининг ўқитувчиси Лидия Мухиддинова иштирок этган эди. Бу педагогик маорат кўригида Анна Кочневанинг омади чопиб, АҚШда малака ошириб қайтди.

«Аксельс» дастурига мувофиқ ўтказилган бу кўрик-танлов ташкилотчилари финалга чиққан педагоглар меҳнат қилаётган билим

даргоҳларининг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам кўмаклашмоқда. Чунончи, 16-мактаб ва Файзулла Хўжаев тумани академик лицейига ҳар бири 2 минг доллар турадиган замонавий «Пентийум-4» компьютери, лазер принтери ва катта миқдордаги ўқув қўлланмалари, дарсликлар совға қилинди.

Ушбу мукофотлар топширилиши муносабати билан ўтказилган маросим сўнггида Бухоро вилоятидан яна 85 нафар ўқитувчи «Аксельс» дастури бўйича 2002 йилда ўтказиладиган кўрик-танловда иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштирди.

(ЎЗА).

Сирдарёда ҳам тadbиркорларга кенг имкониятлар яратилган. Бу йўналишда иқтисодиётга фойда келтириётган, ўз маҳсулотлари билан элган танилаётганлар сони кун сайин кўпаймоқда. Аммо бир қатор жамоаларда хўжалик юртидаги ўқувсизлик, давлат томонидан кўрсатилаётган кўмакдан фойдалана билмаслик ривожланишига тўсиқ бўляпти. Утган мuddатда 29 та корхона банк-ррот, деб топилди. 10 дан ортиқ корхонани ана шу ҳолатга тушган, дея эътироф этиш учун аризалар берилган. Бу ҳолат

замирида минглаб одамларнинг иш ўрнидан, моддий таъминотдан бенасиб бўлиши ётади. Таҳлиллар иқтисодий ночорликнинг бош омили боқимандаликка берилиш эканлигини кўрсатмоқда. Оддий бир мисол.

Янгиер шаҳридаги «Мирзачўлқурилиш» бирлашмасига қарашли 2-автокорхона маъмурияти ҳисоб-китобни ўз ҳолига ташлаб қўйди. Боз устига изланиш-интилиш, жамоани зарур иш билан таъминлаш ҳеч қимни ўйлантирмади. Аслида улар қилаётган иш кўп, имкониятлар етарли эди. Бир неча йиллик

# БАНКРОТ ЖАМОА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТИШИГА КИМЛАР САБАБЧИ?

Халқимизда «Етти ўлчаб, бир кес», деган нақл бор. Айрим фуқаролар ўз имкониятларига ошиқча баҳо бериб, кредитга эга бўлиш илмингда хусусий фирма очишга интилишмоқда. Гулистон шаҳридаги «Интерпонт» хусусий фирмасини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Унга кўз тиккан ишбилармонлар 1997 йилда «Бизнес-Фонд»дан каттагина миқдорда кредит олган. Аммо уни қайтариш, ўз фаолиятини жонлантириш ёддан кўтарилган. Натихада устама жарималар билан фирманинг умумий қарзи 21179,5 минг сўм, шу жумладан иш ҳақидан 150 минг, бюджетдан ташқари фондлардан қарздорлик 13,3 минг сўмини ташкил этади.

Таассуфки, «Нармин» хусусий корхонаси тақдири ҳам ана

шундай бўлди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари орасида шу тахлитда фаолият юритаётганлар оз эмас.

Бозор муносабатлари шароитида банкротлик табиий бир жараён. Ҳар бир ишбилармон уни четлаб ўтиш пайида бўлмасан бошини чангаллаб қолиши ҳеч гап эмас.

**Орзикул МҶМИНОВ,**  
**Сирдарё вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари худудий бошқармаси бошлиғи.**

## Кўпни ўйлантираётган муаммо

Унга кўз тиккан ишбилармонлар 1997 йилда «Бизнес-Фонд»дан каттагина миқдорда кредит олган. Аммо уни қайтариш, ўз фаолиятини жонлантириш ёддан кўтарилган. Натихада устама жарималар билан фирманинг умумий қарзи 21179,5 минг сўм, шу жумладан иш ҳақидан 150 минг, бюджетдан ташқари фондлардан қарздорлик 13,3 минг сўмини ташкил этади.

# ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ МЕБЕЛ САНОАТИ ВА КОММУНАЛ — МАИШИЙ ХИЗМАТ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

*Ўзбекистон халқини, тармоқ касабга уюшмалари  
аъзоларини 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили  
билан муборакбод этади.  
Янги йилда хонадонингиздан қут-баракот, сеvinc ва  
тотувлик оринсин.*

## ҚЎШҚЎПИР ТУМАНИДАГИ «ҲОЗОВОТ» МАХСУС КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

*Соҳа ходимларини яқинлашиб келаётган  
янги йил байрами билан қизгин қутлайди!*



*Ёш авлодни тарбиялаш ва уларга касб-хунар  
ўргатишдек ўта масъулиятли, айна пайтда  
шарафли ишингизда зафар ёр бўлсин!*

# ТАҚДИМОТ

## “КИТОБ ДУНЁСИ” ГАЗЕТАСИНИНГ ИЛК СОНИ НАШРДАН ЧИҚДИ

Газетанинг мақсади мамлакатимиз нашриётларида чиқаётган янги китоблар билан ўқувчиларни таништиришдир, - деди янги нашр муассисларидан бири, “Jod Dunosi” нашриёти директори Рустам Қодиров “Туркистон-пресс” мухбирига. Мақолалар рус ҳамда ўзбек тилларида босилади, зеро, республикамизда шундай китоблар нашр қилинади. Газета саҳифаларининг кўпроқ қисмини нашриёт каталогларига, сотувда турган китоблар хусусидаги маълумотларга ажратиш режалаштирилди.

Газета саҳифаларида замонавий адабиётнинг долзарб масалалари ҳамда Ёзувчилар уюмлари фаолияти, ўқув адабиётларини чиқариш билан боғлиқ муаммоларга кўпроқ ўрин ажратилади. Р.Қодировнинг фикрича, бунда асосий эътибор дарсликларга қаратилади, бу беҳиз эмас. Чунки мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури амалга оширилмоқда. Шу дастур асосида мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлири учун янги китоблар чиқарилмоқда. Улар эндиликда кўп жиҳатдан жаҳон андозаларига яқинлаша бошлади. Нашриёт раҳбарлари ҳозирда таъриба алмашиш учун кўпгина илгор давлатларга бориш имконига эга. Бу ҳақда ҳам “Китоб дунёси” газетасида мақолалар ёритиб борилади.

Нашриёт директорининг сўзларига қараганда, газетанинг биринчи сониди асосан Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб шу йилда босилиб чиққан китобларга тақризлар берилган.

Шунингдек, газетанинг дастлабки сонидан адаблар билан қизиқарли суҳбатлар ҳам ўрин олган. Муассисларнинг айтишича, газета илк сонининг барча нусхалари кутубхоналарга, маърузачиларга ҳамда китоб сотиш ишлари билан шуғулланаётган муассасаларга тарқатилди.

# ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ

Республика Миллий матбуот марказида “Шарқ юлдузи” журнали ташкил топганининг 70 йиллигини, унинг бош муҳаррири, ёзувчи Омон Мухтор таваллудининг 60 йиллигини нишонлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Қўшалок байрам муносабати билан сўзга чиққан Ҳамид Фулом, Одил Ёқубов, Озод Шарафидинов, Ўткир Хошимов, Ойдин Ҳожиёва ва бошқа таниқли ижодкорлар “Шарқ юлдузи” журнали босиб ўтган олис ва шарафли йўлга назар ташлаб, унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган гоёат катта ҳиссасини алоҳида кайд этдилар. Журналга муҳаррирлик қилган атоқли адаблар, таҳририятда фаолият кўрсатган ёзувчи ва шоирлар тўғрисида ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Хусусан, журналнинг замонавий адабиётимиз шаклланишида, унинг ривожига, ҳалқимиз орасида кенг оммалашувида тўтган ўзига хос ўрни хусусида илқ гаплар айтилди.


Табрик сўзи айтганларнинг таъкидлашларича, журнал дунё юзини кўрган кундан бошлаб адабиётга кириб келган даярли барча ёш қаламкашлар учун рамазий дарвоза вази фасини ўтаган ва бу каби хайрли анъанани мустақиллик йилларида ҳам садоқат билан давом эттирмоқда.

Баҳористон туманидаги “Найстон” қишлоғи ўқувчилари курувчилардан ажойиб сова олдилар. Қашқадарё вилоят жамоа-қурилиш-трестига қарашли Баҳриддин Махаматов раҳбарлик қилаётган 233-механизациялашган кўча жамланма бунёдкорлари умумий қиймати 102 миллион сўм бўлган 220 ўринли мактаб биносини фойдаланишга топширдилар.

Яқинда тумандаги “Намуна” фермер хўжалиги раҳбари Қахрамон Қорғеғдиев мактаб ўқувчиларига 100 минг сўмлик ўқув дарсликларини тартиқ этди.

**Суратларда: мактаб биносини кўриниши ва кутубхоначи Г.Курбонназарова. Шавкат СУЛТОН олган сурат.**

# АЖОЙИБ ТУҲФА



# ОЛИС ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

Термиз Давлат университетидида “Туркистонда жадидчилик ҳаракати ва мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлоли” мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Беғали Қосимов, Наим Каримов, Лаиз Қайумов, Аҳмад Исаев каби олимларнинг маърузалари тингланди. Шундан сўнг анжуман қатнашчилари тўртта шўбага бўлинган ҳолда иш олиб боришди.

Анжуманинг ялпи ва шўба йиғилишларида 50 дан зиёд маърузалар тингланди. Ўтган асрнинг аввалида жадидчи киёфасида, қийин давларда майдонга мардона чиққан зукко зиёлиларимизнинг фикрлари, гоёлари бугунги озод кунларимизга нақадар ҳамоҳанг эканлиги ҳар бир маърузада ўзининг

эркин ифодасини топди.

Жадидчилик ҳаракати мавзусида, ҳалқаро миқёсда баъзи семинарларни ҳисобга олганда, Термиз Давлат университетида ўтказилган бугунги анжуман анча салмоқли машарат бўлди, - деди адабиётшуно Беғали Қосимов. — Шу хилдаги учрашувлар мунтазам равишда ўтказиб борилишини тақлим қилган бўлардим. Термизда ўтказилган бу семинарда жадидчиликнинг моҳияти, тараққиёти ва 20 йилларнинг охирига келганда тазйиққа учраганлиги ҳамда жадидлар ҳаётига 1938 йилда нукта қўйилганлиги каби муаммолар, шунингдек жадидчилик ҳаракатининг узвий давоми — мустақил республикамизнинг миллий истиқлол гоёсини ўрганиш билан боғлиқ масалалар ўртага ташланди.

### Спорт

## ҚОРАКЎЛ ПОЛВОНЛАРИ

Қоракўл туманида кураш мактаби иш бошлади. Унга 100 нафар ўқувчи қабул қилинди.

Аслида талабгорлар сони 300 дан ошиқ эди. Лекин уларнинг нафақат спорт борасидаги маҳорати, балки ўзбек тили ва адабиёти, математика фанлари бўйича билимлари ҳам синовдан ўтказилди. Мактаб ўқувчилари орасида қоракўлликлардан ташқари қўшни Олот ва Жондор туманларидан келган истеъодли полвон йигитлар ҳам бор. Ёш полвонларнинг мазкур масканда ўз маҳоратларини ошириши, вилоят, республика ва ҳалқаро мусобақаларга муносиб ҳозирлик кўриши учун барча шароит мавжуд.

Қоракўлдаги кураш мактаби вилоятдаги ана шундай билим даргоҳларининг бешинчисидир. Кейинги уч йилда Бухоро шаҳри, Шофиркон, Олот ва Бухоро туманларида кураш мактаблари ташкил топди.

(ЎЗА).

### Тафаккур дурлари

## УМР ШУНЧАЛИК ҚИСҚАКИ...

● Ердаги одамни хўрлаш, унинг кўкдаги ҳимоячисини инкор қилиш билан баробардир.

● Ҳаёт шунчалик қисқаки, шаънингга бир доғ тўкилса, ювишга ҳам улгура олмай қолишинг мумкин.

● Худони инкор қилиш, кўёшни пуфлаб ўчираман, дейиш билан тенгдир.

● Дунёда ёмон одам йўқ, ёмонлик бор, холос.

● Биз шунчалик эрка одамлармики, хатто, яшаш учун курашни ҳам билмаймиз.

### Касаба уюшма тadbири

**Чирчиқдаги «Электромеханика» ишлаб чиқариш бirlашмасига қарашли «Кимёгар» Маданият саройида Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё санoати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси билан ўтказилган «Оналар ва болалар» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

# ФАРЗАНД КАМОЛИ — ВАТАН ЖАМОЛИ

«Фарзанд камoли — Ватан жамoли» шиори остида ташкил этилган ушбу танловда Қоракўл-поғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда республикамиз вилоятларида тармоқ соҳасида меҳнат қилаётган аёллар ўз фарзандлари билан иштирок этдилар.

— Бугун биз учун қўшалок байрам, - деди Марказий кўмита раиси Алишер Фуломов. - Чунки, кунчи кеча муҳтарам Юртбошимиз Қашқадарё вилоятидаги Шўртан газкимё мажмуининг ҳалқаро тақдиротида иштирок этиб, мамлакатимиз салоҳиятини юксалтирувчи яна бир муҳим санoат объекти ишга туширилди. Байрамларнинг кўплиги эса юрт тинчлиги, тараққиётдан дарак беради.

Маданият саройи иштирокчилари томонидан тайёрланиб, тadbир доамида намойиш этилган концерт дастури танловга янада файз бағишлади.

Ўта кўтаринки кайфият ва иштирокчиларнинг қизгин баҳс-мунозараларига бой бўлган мазкур кўрик-танловда оналар ва болалар уч шарт бўйича билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Танишув деб номланган биринчи шартга мувофиқ

улар ўзлари, оилалари, иш ва ўқиш жойлари ҳақида уч дақиқа ичида маълумот беришлари лозим бўлса, иккинчи шартда Ватанимиз тарихи, бугуни, мустақил Ўзбекистонимизга оид махсус тайёрланган саволларга жавоб бердилар. Учинчи шартда эса ўзларининг санъат, актёрлик, адабиёт, уй-рўзгор юмушлари бўйича маҳоратларини намойиш этдилар.

Танловда актёрлик маҳорати билан томошабинлар эътиборини ўзига жалб этиб, 91 балл тўплаган Фаргона вилоятилик она Дилфуза Хошимова ва унинг қизи Наргиза Қодирова фахрли учинчи ўринни эгалладилар. Улар ижро этган «Меҳрибонлик уйи» сахнаси бағритош оналарнинг қилмиши ва йўлдан адашган аёлнинг ҳаётбахш қўшиқ — алла таъсири натижасида ўз вақтида хатосини тузатиши ҳақида бўлди. Уларга «Sharp» магнитотап тақдим этилди.

95 балл тўплаган қашқадарёлик соҳа ходими Раъно Баратова ва унинг ўғли — ажойиб иқтидор соҳиб Фаррух Халилов эса ҳакамлар ҳайъати томонидан иккинчи ўринга лойиқ деб топилдилар. Бу жуфтликка видеомагнитофон топширилди.

Ва ниҳоят, энг ҳаяжонли дамлар ҳам этиб кел-

ди. Танловда ўзининг донолиги-ю, зукколиги, ҳам актёрлик, ҳам кўшиқчилик, аъло даражадаги билим ва савияси билан барчани лол қолдириб,

томошабинларнинг меҳр-муҳаббатини қозонган Тошкент вилояти вакили қизалоқ Маҳлиёхон Назарова ҳамда Янги Ангрен Давлат иссиқлик электр станциясида меҳнат қилувчи унинг онаси Хoлида Назарова барча шартлар бўйича бир овоздан энг юкори — 100 балл тўплаб, кўрик-танловнинг мутлақ голиби бўлдилар. Улар томонидан биринчи шарт бўйича тайёрланган чиқиш, иккинчи шартга берилган аниқ жавоблар, учинчи шартга мувофиқ ижро этилган «Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон» кўшиғи ва унга тайёрланган рақс, ҳар бир шартга алоҳида танланган либослар барчанинг эътиборини ўзига жалб этиб, давомли қарсақлар билан олқишланди. Биринчи ўрин соҳибалари 400 минг сўмлик телевизиор билан тақдирландилар.

Танловнинг бошқа иштирокчилари ҳам касаба уюшмаларининг қимматбахо эсдалик совгалари, уларнинг фарзандлари эса мактаб сумкаси, ўқув қуроллари ва ширинликлар билан мукофотландилар.

**М. ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири.**

**Германиядаги машҳур «Гейделберг» фирмаси ўзининг матбаа технологияси ва босма махсулотлари техник жиҳозлари билан чет мамлакатларда яхши танилиб қолди. Бу нуфузли фирманинг Тошкент тўқимачилик ва оғил санoат институти билан алоқаси ҳам йўлга қўйилди.**

## «ГЕЙДЕЛБЕРГ» ТОШКЕНТДА

Олий ўқув юртининг матбаа босма махсулотлари ва дизайн кафедраси бу ҳамкорликдан айниқса манфаатдор бўлмоқда. Кафедра ўқитувчиларидан бир гуруҳи Германияда илмий сафарда бўлиб, ушбу фирма негизда ўз билим ва малакаларини ошириб қайтишди.

«Гейделберг» фирмаси яна бир қиммат кўрсатди. Унинг саъй-ҳаракати билан институт янги ўқув маркасига эга бўлди. Кафедра ҳузурида янги иш бошлаган бу марказ энг замонавий техникалар билан жиҳозланди ва бунинг учун 500 минг дойчмарка ажратилди.

**Ақбар АЛИЕВ.**

# СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

● «Эрозия» атамаси лотинча сўз бўлиб, ўзбек тилида емирилиш деган маънони билдиради. Тупроқнинг ҳар хил сабабларга кўра емирилиши тупроқ эрозияси деб аталади.

Ўзбекистонда, одатда, сув (суғориладиган сув, сел) таъсирида кўп ерлар емирилади. Сув таъсирида емирилиш натижасида жарлар пайдо бўлади.

Шамол таъсирида ҳам тупроқ еми-

рилади, майда зарралари учиб кетади. Сув, шамол эрозияллари ҳар томонлама илмий ўрганилган.

Ўзбекистон деҳқончилигида яна бир зарарли ҳодиса бор. У гармселдир.

● «Гибралтар» сўзи аслида арабча «Жабал Тарик», яъни Тарикнинг тоғи иборасидан олинган. Тарик — арабларнинг карвонбошиси бўлиб, 711 йилда Испанияга қарши курашда маврларга бошчилик қилган.

**Солиқ хизмати ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги «Гастрол-концерт фаолияти соҳасида солиқ солишини ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 285-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан шу кунгача 433 та рейд-текширув ўтказиб, бир қатор ҳуқуқбузарлик ҳолатларини фош этдилар.**

Ҳуқуқбузарликларнинг бири Мирзо Улугбек тумани Буюк ипак йўли кўчасидаги 42-уйда содир этилган эди. Назорат тартибида ўтказилган текширувда фуқаролар Озод Кўчқоров ва Людмила Фольц бу хонадонда ноқонуний равишда овоз ёзиш студияси ташкил қилиб, турли студияларда ёзилган аудио кассеталардан лицензиясиз нусха кўчириб сотаётганлиги аниқланди. Ушакунчи сотишга тайёрлаб қўйилган 11,6 миллион сўмликка яқин аудио кассетаси ва компакт дисклар ҳамда овоз ёзувчун махсус усуналар далилий ашё сифатида олинди, суришти-

рув ишлари бошлаб юборилди.

Тошкент шаҳар солиқчилари бу йўналишда рейдларни давом эттириб қисқа вақт мобайнида умумий қиймати 36,4 миллион сўм бўлган ноқонуний аудио-видео кассеталари ва компакт дискларни мусодара қилдилар. «Чув» тушиб қолганларнинг бири Сирғали тумани 6-Сирғали даҳасидаги деҳқон бозорига жойлашган «Муввад видео» хусусий фирмаси сотувчилари Камолиддин Маждидов ва Исмоил Иброҳимов бўлди. Улар бозор маъмурияти билан шартнома тузмасан ҳолда аудио-видео кассеталар чакана савдосини авжига чиқарган эканлар. Қўлларида чакана савдо қилиш

ҳуқуқини берувчи ҳужжат ҳам йўқ экан. Дўконда назорат-касса машинаси ҳам кўринмасди. Амалдаги қонун-қоидалардан бебабарлик сотувчиларга қимматга тушди. Уларда 712 дона аудио-видео кассеталар олиб қўйилди. Шайхантаҳур

# ШУБҲАЛИ КАССЕТАЛАР

## онгни заҳарлайди, аҳлоқни бузади

туманидаги «Эски жува» бозори ҳудудида ҳеч қандай ҳужжатсиз савдо қилаётган фуқаро Б.Комиловдан ҳам рейд ўтказилган кун 363 та ноқонуний кассета мусодара қилинди.

Кўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис, деганларидек ўша куни шу атрафда фуқаро А.Қодиров ҳам ҳеч қандай ҳужжатсиз аудио кассеталари билан савдо қилиб ўтирган эди. Фойдаланаётган «Маяк» магнитофонига ва овоз кучайтиргичлар бир-бирига уланганди. Хари-

дорларга истаган кассеталарни шу магнитофон орқали эшиттириб, бозорни бошига кўтарарди.

Солиқчилар келиши билан магнитофонини ҳам, мусиқафуруш А.Қодировнинг ҳам овози ўчди қўйди. Шу кун 80 дона ноқонуний

аудио кассета, магнитофон ва овоз кучайтиргич мосламалар олиб қўйилди.

Мирзо Улугбек туманидаги «ХДМ» масъулияти чекланган жамиятига қарашли савдо дўконидида ўтказилган назорат тартибидаги текширув доамида солиқчилар яна ҳам кўпроқ ноҳушликларга дуч келдилар. Дўкондаги назорат-касса машинаси гўё савлатга қўйилгандек эди. Савдодан тушган пулларнинг бир сўми ҳам ундан ўтказилмабди. Аудио-видео кассе-

### Маънавиятимиз йўлидаги ғовлар

талардан ва лазер дискларини сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия эса умуман йўқ эди. Савдога қўйилган кассеталар эксперт кўригидан ўтказилмаганди. Уларга нималар ёзилганлиги фақат сотувчиларга

аудио-видео кассеталар сотувдан тўхтатиб қолинди. Ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган 88 нафар фуқарога нисбатан солиқ хизмати томонидан, 84 нафар фуқарога нисбатан эса суд томонидан маъмурий чоралар кўрилди.

Аудио-видео кассеталар умуминсоний қадриятларни тарғиб этиб, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир ўтказса, амалдаги тартиб бўйича бемалол сотилаверсин. Бунга ҳеч ким қаршилиқ қилмайди. Лекин кейинги пайтларда эк-

сперт кўригидан ўтмаган, табиатимизга ёт гоёларни онгимизга тиқиштирувчи, олдиқочди воқеаларга тўла кассеталарни хуфя йўллар билан савдога чиқариш, тушган даромадни эса яширинча ўзлаштириш ҳолатлари, афсуски, тобора кўпроқ болалаб кетаяпти. Энди бунга чек қўйиш вақти келди.

**Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ кўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.**

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти кўмитаси кўмитанинг меҳнат-техник нозир Олияхон Убайдуллаевага уқаси **Сайфулло ХАСАНОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тadbиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси Хоразм вилояти тармоқ касаба уюшмаси кўмитаси раиси Бахтиёр Ибрагимовга падары бузруквори

**АТАНАЗАР отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# ISHONCH

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

### Таҳрир хайъати:

**Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.**

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

### ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ўлчам А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.